

ХАЙЁМНИ ТУШУНИШ

Пок аз адам омадему нопок шудем...

Адамдан пок келиб нопок бўлдик...

Қоратегинлик Шариф тоғанинг завжаси — снглари билан этаги бақамти, ёқасига маржондек тизилган оқ-сарғиш тугмалар қадалган, қамиш поядек орик, нигоҳи маъюслик ва ҳолсизликдан қарийб қабоғигача осилиб тушган, қатикқа чайилган тусдек қора сочлари манглайига ях босгандек ёпишган, куйлагининг этаги билан кўшилиб кетган энли, бахмал лозимининг почасидан чиқиб турган уникқан кўҳна ковуши кўзларидан-да ғамгин аёл кампир бувимнинг олдига кина солдиргани келар ва улкан этагида албатта. ё тўртта хом думбул, ё қирмизи, мағзи тўқ тожикча кулча, ёхуд исмалоқли сомса бўларди. Отамдан мерос қолган ягона радиюлнинг очик қопқоғи остида айланаётган лаппакдан янграган юқоридаги шеърий сатрлар мени хушёр торттирди. Ковушини остона ортида қолдириб, кўчага қараган панжаралари мўъжаз дераза остида ўтирган кампир бувимнинг ёнига кириб кетган бўйчан аёлни сезмай қолдим.

Пок аз адам омадему нопок шудем...

Мен қоратегинлик кўшни болаларнинг тилида янграган бу сатрларнинг зоҳирий маъносини англаб турардим. Аммо, бу ҳали фақат зоҳирий маънолар эди. Яхшиямки шундай эди. Аммо овоз ва сўз мени негадир ногоҳ Кофарниҳонга шўнғигандек музлатиб ташлади. Овоз ва сўз. У жуда-жуда олисдан, Ҳисор ва Боботоғ тизмаларига бориб, ўркач-ўркач булутларини қоялар устига ағдариб, нарёққа ўтиб кетган осмон тубларидан келаётганга ўхшарди. Лаппак эса отамерос кўҳна радиюл устида ғалати товуш чиқариб айланар, бувим бўйчан бемор қоратегинлик аёлнинг бошига айлантириб, бурда-бурда қотган нонларни суриб, шивирларди. Мен бир-бирига шаклан монанд сўзларнинг эшилиб, қовушиб келишигами, тўқ ва дардчил овоз таъсириданми эс-хушимни тизгинлай

олмасдим ва қулоқларим билан эмас, кўзларим билан тинглаёт-
гандек Кофарниҳондан узилиб маҳаллага оққувчи ва нақ ҳовли-
миз ўргасидан кесиб ўтгувчи муздек анҳор сувига термилиб қол-
гандим. Анҳор тубида, чишорланиб оқаётган ва тоғ қизларининг
мусаффо чехрасидек шаффоф сув бағридаги коса ва пиёлалар си-
ниги, зангор босган тошларнинг йилтироқ сирти, кимнингдир
қачонлардир тушиб қолган қум тўла ковуши ва лаппакдан тарала-
ётган садо гўё уйқашиб кетгандек эди. Анҳор лабида тилларини
сுவга ботириб, шалолатиб сув ичаётган итларга ўхшаш тўп-тўп
райҳонлар ва тўк бинафша ранг ялпизлардан таралган ис негадир
кампир бувим камзулининг ҳидига ўхшарди. Мен бувим нукул рай-
ҳонлари атрофида уймалашганиданми ё бақувват панжаларида чар-
силлатиб ўт-ўланин ҳам юлавермоғиданми унга ёпишган бу гала-
ти дилписанд оғир ҳидни ҳали-ҳамон эслайман ва соғинаман-да бу
соғинч томоғимдан қаттиқ буғади. Қора, нурсиз, узун, астарсиз
тўни бўларди райҳон бўйли кампир бувимнинг. Юзлари оқ-сарғ-
иш, сўлгин, доғли, доира; сочлари оқ товукларининг гоҳо ҳовли
юзига сочилиб қоладиган патидан ҳам оқроқ, аҳён-аҳён толалари
сарғая бошлаган, айримлари кул ранг; қомаги гўр лабигача бу-
килмаган бувимнинг бутун вужуди гўё райҳон ва исмалоқ ҳидла-
рига қорилгандек эди. Аммо отамерос радиюл сирли товуш чиқа-
риб айланар ва воиз йигит қўшни қоратегинлик болаларнинг ти-
лида менинг сув қаъридаги косалар синиғида қотиб қолган ниго-
ҳимни парчинлаб йиғлар эди.

Пок аз адам омадему нопок шудем...

Мен ҳали поклик нимаю нопоклик нима билмасдим. Адам эса
менинг худосиз тасаввуримдан йироқ-йироқларда эди... Яхшилик
ва ёмонлик бошланиб тугайдиган ҳудудлар ҳақида тасаввурга эга
бўлмасам-да, кимдир ич-ичимдан бу икки бир-бирига мутлақо қара-
ма-қарши ходисалар хусусида шивирлаб гапираётгандек бўларди.
Бўйчан, оқиш соқолли, камгап Махсум ака ва унинг чап кўлим-
нинг кўрсатгич бармоғини ўқувсизлигимдан ўроқ гарч кесиб юбор-
ганда қандайдир оқ-кўкимтир дори уфуриб, сурп билан чирмаб
боғлаган, Кофарниҳон сувларидан-да тиник, мовий кўзли хоти-
ни, уларнинг ҳамсояси тожик Абдурахмон ака, Шариф тоға ва
унинг арвоҳсифат умр йўлдоши, аянчли Оҳиста хола, тупроқ ранг

Биби эна, негадир Қуръоннинг бир ҳарфини танимаса-да ҳамма Қори хола деб атовчи, ҳар куни маҳалла хонадонларини бирма-бир кезиб чиқмаса, кўнгли жойига тушмайдиган оғзи қаттиқ то-жик кампир менинг тасаввуримдаги яхши одамлар эди. Улар ту-роқ билан баробар одамлар эдилар. Юзларига ажин тўр ташла-ган, қовоқлари салқи, манглайда Кофарниҳон соҳилидаги қумлоқ-даги тарам-тарам излардек тиришлар, қадоқ боғлаган иссиқ кафт-лар, мен умрим бўйи димоғимда энг азиз хотиротдек асраган ер ва тер иси, белбоққа қистирилган ойсимон ўроқлар, тупроқ тўла нурсиз ковушлар, торсиллаб ёрилган қора-кўтир товошлар, ҳеч қачон ҳеч кимни алдамаган, игво-бўхтон, фисқ-фасод, ёлгон нима-лигини билмаган тиллар ва ўз йўлдошига ҳам суқланиб тикилма-ган маъюсдан-маъюс нигоҳлар... Мен кейин ҳам қаерлардадир яшагандек эдим, кимларгадир дуч келдим, қўл узатиб кўришдим, жилмайдим, нон-туз едим, кулдим, ҳатто эл-юрт эътиборига ту-шиб, тилларда дoston бўлган кимсалар билан ўтириб-турдим, ле-кин уларнинг бирортасидан Кофарниҳон соҳиларида мангуга йўқ бўлган дийдорларни топмадим. Кейинчалик кўрганларим босирқи тушга ўхшарди. Дафъатан воиз йигит алам билан ўқиётган шеър, тўғрироғи, биргина сатрнинг маънисини чаққандек бўлдим. Ме-нинг ён-арофимдаги одамларнинг қарийб ҳаммаси тупроқдан ярал-ган, лой одамлар эдилар. Улардан бир чақирим наридан ҳам туп-роқ ҳиди келиб турарди. Қани энди ўша ҳидлар? Қани зах девор-лар ҳиди? Мен билардим, бу ҳид бир кунмас бир кун албатта, қай-тади. Ҳеч ким боролмайман деб бўйин товлай олмайдиган, ҳеч кимнинг нозини кўтармайдиган, ҳамма уловдорлар ҳам, оёқдан қолиб бировларнинг кифтига осилиб борадиган жойларда бу ҳид бор эди ва бундан кейин ҳам бўлаверади. У ерларга бу атру ифор-лар, ялтираган чехралар, қарсиллаган тиллар, чақмоқ тошдек ҳар лаҳзада чақиб турган кўзлар, бу лорсиллаган кўкраклар, илондан ҳам силлиқ ва сеҳргар сочлар, бир кунда такрор-такрор бўялган лаблар, нозу ишвалар, жарақ-журук олтин-тиллалар йўл топол-майди. У ерда аччиқ зах ҳиди бор. Жийрилган бурунлар, буруш-ган юзлар, чимрилган қошу қабоқлар ҳам кетказа олмайди бу қай-сар ҳидни.

– Отажоним ўлганидан кейин, – дерди чақчайган тишлари, гижимланган қора юзлари тобора ваҳимали тус ола борган Биби эна, – қабристонга бордим. «Ота, отажоним!» деб чақирдим. Ногоҳ

гўр ёришиб, ичкарида отажоним кўринди. «Келдингми, кизим, деди. «Хар», келдим дедим. «Менинг ёнимга туш!», деди. «Йўқ!» дедим. «Кўркаман!..»

Биби эна қарийб ерга қапишиб қолгандек, эгик эди. Ер уни чақирмоқдамиди, ё у ерни чақирмоқда эдими, билмасдим. Унинг ҳатто эртақларда ҳам учрамайдиган «хотира»ларига ишонмаганим билан ундан кўра ҳузурбахшроқ нарсани ўйлаб топишим амри маҳол эди. Гўза ва макка поядан тикланган кўра этагида суҳбат қуриб ўтирган «гирт ёлгончи камшир» ва анқов боланинг вақтни беҳуда ўтказаяётганидан жаҳли чиққан бувимнинг зардаси қайнар, мени чақира бошларди .

Пок аз адам омадему нопок шудем...

Нопоклик менинг солда, беғаш, жайдари, бироз кўпол, бироз ёввойи муҳитимда йўқ эди. Ромит дараларидаги улкан, қорамтир харсанг тошларга ўхшаш Оҳиста хола йиғлоқи ва урушқоқ болаларининг дастидан ўзини дарёга ташлаб нобуд қилиш учун кесакзор оралаб Кофарниҳонга томон йўл оларди. Мен бадҳайбат қора юзларига ўлим шарпаси соя солган, шудгор ва гудриш сўқмоқ, уйдим-чукур далалар оралаб дарёга томон кетаётган аёлни, унинг орқасидан гўё тирик тобут ортидан қоқиниб, туртиниб, йиглаб бораётган болаларни ҳали-ҳамон эслайман. Болалар томоқларини йиртиб йиғлашар, ўртада ўлим билан фақат соҳил тошлари қолган аёл юрагида раҳм-шафқат туйғуларини уйғотмоқчи бўлишарди. Салобатли аёлнинг уни, ингроқлари эшитилмас, у нигоҳларини Кофарниҳон бағрига тикканча, паришонҳол одимлаб борарди. Мен ҳали-ҳануз ўлим оғушига бу қадар гўзал ва маъюс ҳолатда йўл олган одамни учратганим йўқ. “Оҳистахон яна дарёга кетяптими?” дерди бувим ариқ устидаги кўприкда туриб, дарё томондан эшитилаётган қиёмат сурига қулоқ тутаркан. Оқиш-нурсиз, энли рўмолни бошига елвагай ташлаб, ҳасратли оху фарёдлар таъсиридами ўзи ҳам секин-аста қайғу садосига айланаёзган Кофарниҳон соҳилига – менинг ҳавойи тасаввуримда энг гўзал ўлим оғушига йўл олган Оҳиста холанинг эс-ҳушини жойига келтириш учун жон ҳолатда шудгор оралаб ҳаллослаб чопиб бораётган бувим шўрликнинг қора астарсиз тўни этаклари тобутпўшдек чайқалиб борарди. Ўлимнинг бу қадар одамий ва хаёлий хилини танла-

ган улкан жуссали кадрдон Охиста хола мен учун ўша пайтда ва ҳозир ҳам энг гўзал аёл бўлиб қолди. Катта шаҳарларда яшаб бир шаналок мато, ё бир арзимас зийнат асбоби учун эр ва фарзандларига хиёнат қилишдан тап тортмайдиган аёлларга дуч келганимда юзларини шамолга солиб, одам жонига жуда ўч ва Охиста хола-нинг жонисиз ҳам ҳар йил баҳорги тошқин маҳали неча-неча жонвор ва одамнинг ҳаётига зомин бўладиган дарёга биргина жонини тўртиқ қилгани йўл олган ўша афсонавий аёл кўз ўнгимда жонланаверади. Турку тўши, аъзойи бадаши, қошу кўзини кунда минг мақомга соладиган шайтон аҳлига рўбару бўлганимда, Кофарниҳон соҳилига ёйилиб кетган сугирларга ўхшаш булутлар оғушида Азронл ёнида кезиниб юрган фаришталар кучогига ошиққан Охиста холани ўйлайман. Томи бошига йиқилгудек ҳору хароб паҳса деворлар қуршовида олтига “нонхўр”ни этагига солиб бу кўгир дунёга адашиб келиб, энг жирканч муҳит исканжасида қолган Охиста хола каби оналаримизнинг заҳардек кўз ёшлари учун жавоб бериш ўрнига итни боглаб қўйсанг турмайдиган бир қишлоққа ўзларидан сўнг маҳобатли тош ҳайкаллари бостириб кирган “замон доҳий”лари, янги одам ва янги дунё яратувчи лаънатиларга қуллук қилиб юрган кезларимизни қандай қилиб хотирот лавҳларидан кўчириб ташлаш мумкин?..

Пок аз адам омадему нопок шудем...

Тупроқ кўчалардан бошланиб, Кофарниҳондан улоқиб чиққан ариқ қиргоғида туговчи ҳовлимизда жам бўлиб, олин кечалар макка сўталарини ўроқ билан сидирган кўни-кўшинларининг ҳасратлари қаёқдандир Кофарниҳон ёқлардан учиб келиб, ёруғ нур асоратида кўзи қамашганданми айвонга улоқиб тунадиган муштдек-муштдек кўнғизларга ўхшарди. Бу ҳасратларни ҳеч ким тингламасди. Мактаблар қатағон қилган худо ҳам, ўта симо тош ҳайкаллар ҳам бу ҳасратларни эшитишга қодир эмасдилар. Мен энди бундан буён ҳақиқатга ҳеч қачон етиш мумкин эмас деган ҳаёлга борганимдан сўнг, ҳамма қатори худога қарши исён кўтардим. Ҳамма нарсани яратиб, кейин ўз аҳволига ташлаб қўйган худони тушунмасдим. Тилим заҳар эди ва мен энг оғир сўзларини аямадим. Акам, «Сенинг бошинга тилинг етади, – деди хафа бўлиб ва кўшиб қўйди, – Сен одам бўлмайсан...»

Мен эса ўшанда акам нақадар ҳақ эканини энди ҳис қилаяпман... Одам бўлиш қийин эди. Одам бўлиш учун одамлар орасида яшаш керак эди...

* * *

Жаҳонда ҳеч бир шоир у каби машҳур эмас. Ҳали ҳеч ким на Гомер, на Данте, на Шекспир, на Пушкин у каби шоҳлар қопқасидан то гадолар бўрәсигача етиб борган эмас. Уни инглиз ҳам, хинду ҳам, осиелик ҳам бирдек қабул қилади. Ҳеч бир дин намояндаси уни ўзига махсус қила олмайди, ҳеч бир файласуф у тўрт қатор шеърний сатрга ситдирган маъно ишжуларини сандиқ-сандиқ китоблари воситасида баён эта олган эмас. Унинг шеърларини таржима орқали ёхуд таржимасиз, аслида ҳам ҳамма тушунаверади. «Дарвишлар орасида» китобининг муаллифи Умар Берк, онам уни севарди, шу боисдан мен тугилганимда у ўзининг севимли шоири исмини менга атади, деб ёзади. Денгиз остига чўкиб кетган машҳур «Титаник»ни ўрганиш учун сув остига тушган гаввослар замоннинг энг оғир фалокатига учраган кема ичидан унинг китобини топишади. Шеър инсон ва унинг ҳаётий муаммоларини илк марта унинг қалами воситасида кашф этди. Шеър унғача Деярли аёллар ёхуд илоҳий ҳодисаларнинг бандида яшарди. Шеър сўз санъати, сўз воситасида шаклларнинг пардоз-андози билан машғул эди. Кейин мажоз пайдо бўлди. У ҳам нимадир янгилик яратмоқчи эди, аммо тилнинг бўла туриб мудом алланарсанинг қиёфасига кириб гапиришни ҳазм қилиш оғир. Умар аслида шоир эмас, у ўз қораламаларини илмий ишлари ҳошиясига ёзиб борган. Эҳтимол бу «узук-юлуқ» қораламалар мангуликка айланишини у ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмагандир. Ён-атрофида юрган ва тўрт қатор шеърининг тенг ярмини султонларга «пазр» қилган шоирлар куршовида ўзини шоир деб аташдан ор қилган. Шеърият агар у рост йўлдан борса инсониятга бахт олиб келган, одамларнинг кўзини очишга хизмат қилган, бордию ёлғон ва сохтакорликка ружуъ қилган бўлса, у сохта пайгамбарлар каби олам саҳросида кетиб бораётган одамлар кўзига қум сочиб кўр қилган. Умар. Бу ном гўзаллик, тўгрилик, ҳузур-ҳаловат, ҳақсизликка қарши аёвсиз исён, сармастлик, девонаворлик, жунун, ишқ ва муҳаббат рамзига айланганига хийла бўлди. Унинг рубоийлари талқини бир-биридан ердан осмонгача фарқ қилади. Кимдир уни ринд, майпараст деб ҳақорат қилса,

кимдир ундан илоҳий ишқ сир-асрорини ахтаргандек бўлади ва негадир топади ҳам. Кўпчилик уни қандай бўлса шундай қабул қилишади ва назаримда тўғриси ҳам шу. Бир замонлар унинг шон-шавкатидан устамонлик билан фойдаланмоқчи бўлганлар «АВЛИ-Ё»лик рутбаси билан сийламоққа ҳам уриниб кўрдилар. Аммо, Умар қайдаю авлиёлик қайда. Охиратдан хабар элтган валийларнинг қанчадан-қанчаси унинг рубойларидан янграган аччиқ қаҳ-қаҳа остида қолиб кетди. Дунё ва уқбодан хабар келтирган олиму фозиллар ҳам унинг тўрт қатор шеъри олдида инграй бошладилар. Ҳандаса илми билан жанг қилмоқ беҳуда деганларидек, Умарнинг рубойларини турлича таъвил қилмоқчи бўлганлар қоғоз қилич тутиб ҳарбу зарбга кирган одамга ўхшайди. Ҳамма вақтдан кўрқади, вақт эса эҳромлардан, дейди қадимги мисрликлар. Менимча, Хайёмнинг рубойлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Олам ва одам муаммоси бор экан, кишилар ўлим ва ҳаёт орасидаги майдончада ҳали-ҳануз ивирсиб юрарканлар, ҳали-вери қиёмат ўз бонгини чалмас экан, ҳали-ҳануз инсонлар умр мазмунини англамас эканлар ва нега, нима учун яшаётганлари ҳақида астойидил бош қотирмас эканлар Хайём яшайверади. Токи оёғимиз остидаги тупроқ ота-боболар жисми, энг гўзал фариштасифат аёлларнинг қошу ёноғи эканини ва ҳаммамиз ҳам аслида кўза ва кулол бўлмасдан бурун тупроқ эканимизни англаб етмас эканмиз Хайём яшайверади. Демак Хайём ҳали узоқ-узоқ яшайди. У бизга ҳам яшаган эди, биздан кейин ҳам табиийки, яшайверади. Зотан, бари бир, ҳали ҳеч ким ўзини тупроқ ўрнида кўргиси келмайди, энг камида ўлгунга қадар, зотан ҳеч ким ҳаёт деб аталган жуда лаззатли неъматдан тўйдим дегани йўқ. Зеро, дунёга келган борки асал ари болга ёпишган каби тирикликка чиппа ёпишиб олади (ҳадис). Ҳозлар Римни қутқаргани каби Хайёмнинг рубойлари ҳали ҳеч кимни адашиш ва тойрилишлардан қутқаргани, ҳеч кимнинг гамини аритгани йўқ. У фақат рост гапни айтгани билангина қадрли. Хайём ҳеч кимни алдамайди. Унинг ҳақиқатига ҳақиқат муаллимлари ҳам дош бера олмайдилар. Нил башариятга Мисрни тухфа қилганидек, Хайём рубойлари одамларга аччиқ ва ўтқир шаробдек ҳақиқатни олиб келади. Бу рубойлар кириб борган хонадон эшигидан осилиб турган дарпардалар тушиб, одамлар ўз кўшнларини таний бошлайдилар. Ташқарига чиқиб, кўпшак думига қўнган чивинни кўрадилар ва ўша чивиннинг учиб қайгадир

гойиб бўлганини ҳам сезиб турадилар. Маҳалла қозисининг улкан салласи ва беқасам чопони остида яна ниманидир кўргандек бўладилар. Ва анҳор бўйида ўтириб, шовиллаб оқаётган сувга қулоқ тутгач, илк бор бу сирли тилни англай бошлайдилар.

Хўш мен нега Хайёмга юз бурдим. Уни таржима қилиш, ҳаммадан оғири рубойларини шарҳлаш менинг қўлимдан келармиди? Хайём рубойлари тилимизга таржима қилиниб, оммалашганига ярим аср бўлди. У одамларимиз қалбини шу қадар забт этдики, унинг тўрт қатор шеърини ёд билмайдиган одамни учратиш амри маҳол. Улуг ўзбек шоирларидан бири, форс адабиёти дурдоналарини тилимизга ўгириб, паҳлавонларча хизмат қилган забардаст мутаржим Шоислом Шомуҳаммад Хайём рубойларни жуда содда ва равон, халқчил қилиб, одамларга тортиқ қилди. Бу таржималар аслиятнинг ўзидек одамлар юрагидан жой олди. Ярим асрдирки, Хайём ниҳоятда ширин ўзбек тилида сўйлаб келади. Ҳали ўспиришлик чоғимда бетакрор воиз Маҳмуд Воҳиднинг илоҳий овози орқали Хайём рубойларини тингладим ва ногаҳон бу сўз ва овоз мени бутунлай сеҳрлаб қўйди. Воиз рубойларни нақ юракни ёриб чиқаётган овозда ўқирди. Овоз рубойларнинг мазмунига мос равишда турли йўсинда тобланар, гоҳ ғазаб билан кўтарилар, гоҳ пушаймонлик билан сусаяр, гоҳ шиддатли тус олар, гоҳ майини унга айланарди. Бетакрор воиз ўзининг жуда қисқа умри давомида Хайём рубойларини ўқиш санъати мактабига асос солди. Аммо, афсус, мактабга асос солдию, мударрис ҳам, талаба ҳам ўзи бўлиб қолаверди. Ундан кейин ҳеч ким бу мактабга бошини сукмади. Воиз фожияли ҳалок бўлганидан кейин, унинг овози ленталарда боқий қолди. Хайём мактаби жуда кўп шоирларни вояга етказган бўлса-да, ҳамма ҳам унга муносиб шогирд эмасди. Тожик адабиётида чинакам бурилиш ясаган Лойиқ Шералининг «Хайём жоми» шеърлар туркумини истисно этганда, ҳеч бир шоир бу мактаб остонасига ҳам яқин кела олмади.

Мен ҳозир қилмоқчи бўлган иш эса, шунчаки қарздорлик. Ёшинг бир ерга бориб қолганидан кейин, орқангга ўгрилиб қарайверар экансан. Ортингда қолган нарсалар эса, олдиндагидан кўра яқинроқ бўлиб қоларкан. Кўзингни юмасан-да, ортингдан боқиб турган одамларни чорлайсан. Бу азиз чехралар сени олдинга чиқариш учун орқага ўтиб олгандек. Улар сени елкаларига кўтариб, ўзлари чўкиб кетгандек. Мен баъзан бомдодда, баъзан тун ярмида

уйкум қочиб, ибодатга кўзғолган вақтда ана шу ортдагиларни бир-бир кўз олдимга келтираман ва узоқ-узоқ улар билан суҳбатлашаман. Ана шундай хилват суҳбатларга баъзан ўша жувонмарг воиз йиғит ва баъзан нишопурлик сармаст шоирни ҳам таклиф қиламан...

Назаримда, кўлимдан келадиған ягона иш бу азизлар ҳузурнда жим-житгина сомелиқдир.

1.

Онҳо, ки ба ҳикмат дурри маъни суфтанд,
Дар зоти худованд суҳанҳо гуфтанд.
Сарриштаи асрор надонист касе,
Аввал занахе заданду охир хуфтанд.

Ҳикмат билан маъно дуррин сочдилар,
Худонинг зотидан оғиз очдилар.
Сирлар сарриштасин еча олмасдан,
Аввалда лоф уриб, сўнг тош қотдилар.

Ҳикмат аҳли хусусида Қуръоннинг бир неча ўринларида эслатмалар учрайди. Жумладан, бу тенгсиз илоҳий китобнинг ўзи «ҳикматли сўз» тарзида талқин қилинади. Ҳикмат – арабча «ҳикмун» сўзининг кўплиги бўлиб, донолик, донишмандлик маъноларини англатади. Ҳақим сўзи ҳам шу ўзакдан ясалган ва одатда доно, оқил, фаросатли, аксарият ўринларда файласуф, табиб, ҳақим тарзида ҳам қўлланилади. Ҳақим сўзи таомилга кўра Умар Хайёмнинг ўзига нисбатан ҳам ишлатилган. Шарқда, умуман, фалсафа, тиб, адабиёт, шеърий санъатлардан хабардор одамларни «ҳақим» деб сифатлаш анъанаси бўлган. Дунёнинг яралиши, одам авлодларининг пайдо бўлиши, унинг ўтқинчи умр майдонида амалга оширажак амаллари, яшашдан мақсад, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва тириклик жумбоқлари каби азалий ва абадий муаммолар ҳақида энг биринчи ҳикмат аҳли ўз қарашларини баён этиб келганлар. Оддий одамлар бу муаммоларга одатда ҳикмат аҳлидан жавоб истаганлар. Ҳикмат аҳлининг қарашлари ҳамиша ва ҳар қачон мўътабар ҳисобланган. Аммо, бу «мўътабар фикр» ҳар қанча эътибор-

ли бўлмасин бошқа бир мўътабар фикрдан сўнг маҳв бўла борган. Жумладан, дунёнинг яралиши хусусидаги фикрлар ўзининг гоятда ранг-баранглиги, кези келганда, ўта зиддиятчилиги билан танг қоларли даражада мураккабдир. Дунёдаги жамийки муқаддас китоблар бу хусусда ўз ақида ва қарашларини баён этганлар. «Забур» ва «Таврот», «Инжил» ва «Қуръон» аҳлидан ташқари оламнинг турли минтақаларида яшаб келган миллат ва элатларнинг бош китобларида бу хусусда ўта зиддиятли маъноларга дуч келиш мумкин. Қадимги ҳинд ёдгорликларида бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз. «Ибтидода ҳеч нарса йўқ эди. На қуёш, на ой, на юлдузлар мавжуд эмасди. Ибтидоий чексизлик зулмати ичида Гўё тубсиз уйқуга чумгандек ҳаракатсиз ибтидоий чексизлик зулмати ичида бошқа махлуқлардан бурун даставвал сувлар пайдо бўлди. Сувлар оловни яратди. Иссиқликнинг буюк қудратидан Олтин Тухум

дунёга келди. Ўша чоқда йилларни ҳисоб-китоб қилиш анъанаси йўқ эди, зотан ҳисобчининг ўзи-да мавжуд эмасди. Олтин Тухум чексиз, бош-адоқсиз уммонлар бағрида дориломон сузиб юрарди. Ордан йил ўтиб Олтин Ибтидодан Одам Ато – Брахма дунёга келди. Дунёга ташриф буюрган Брахма ишни Олтин Тухумни парчалаб ташлашдан бошлади. Олтин Тухум иккига бўлинди. Унинг юқори қисми Осмон, қуйи қисми Ерга айланди. Бир-бирига қовушиб кетмаслиги учун доно Брахма уларнинг ўртасига ҳаво бўшлиғини жо этди. Замин сувлиқ ўртасидан жой олди, мамлакатлар яратилди. Вақт ибтидо топди. Борлиқ шундай яратилган эди». До-нишманд ҳиндулар ҳозир ҳам бунга инонадилар. Улар кимдир қайдадир нималар деяётгани билан сарҳисоб қилиб ўтирмайдилар. Жумладан, қадимги ҳинд эпоси «Ригведа»нинг «Дунёнинг яралиши ҳақида қасида» бобида қуйидаги байтларни ўқиймиз:

Йўқ эди на борлиқ,

Йўқ эди на йўқлик.

Йўқ эди на кенглик

Ва на осмонлар.

Нима айланарди ўз меҳварида?

Қайда? Кимнинг қудрат кўли остида?

Сув асли не эди – тубсиз тубсизлик.

Йўқ эди на ўлим, на ўлимсизлик,

На кундуз, на туннинг аломатлари.

Нафас олар эди алланечук жон,
Хатто кимирлатмай ҳаво бўшлигин,
Йўқ эди ҳеч нарса ўшандан бошқа,
Зулмат қоришганди зулмат устидан...

Кўриб турганимиздек, «Ригведа» ҳам оламнинг яралишини юқоридаги парчада акс этгандек ифодалайди. Китоблар китоби «Авесто» олам ибтидосини Зарвон номли мавжудотга олиб бориб такайди: «Зарвон нурдан яралган энг буюк кудрат эди. Унда недандир шак пайдо бўлди. Ана шу шакдан Аҳриман яралди». Шаҳристоний эса бошқа бир ривоятни хикоя қилган: «Буюк Зарвон ўғил кўриш умидида 9999 йил ҳамд-сано айтади. Бироқ унинг орзуси рўёбга чиқмайди. Шунда у, эҳтимол бу дунё ҳеч нарса эмасдир, деган хаёлга боради. Шу хаёл Аҳриманни пайдо қилган бўлса, ҳақиқат оламидан, ёхуд Зарвоннинг чин хаёлларидан Хурмузд пайдо бўлди...»

«Библия» оламнинг яратилиши хусусида деярли барча қадимий мўътабар манбалардаги қарашларни гўё такрорлагандек бўлади: «Даставвал Тангри осмон ва ерни яратди. Ер кўримсиз, бўм-бўш. Тубсизлик узра зулмат. Илоҳий Рух сув устида қалқиб юрарди. Тангри деди: «Нур!» Нур яралди. Зулмат иккига бўлинди. Нур Тангри учун суюмли эди. Тангри нурни кундуз, зулматни тун деб атади...»

Айтарли у қадар салмоқли бўлмаган мўъжизавий мероси билан дунё аҳлини ҳайратга солган Умар Хайёмдан атиги юз эллик йилча кейин дунё саҳнасига оёқ кўйган мутафаккир бобомиз, бир кун авлодлар бу муаммога албатта бош билан шўнғийдилар деган ўйда «Пайғамбарлар қиссаси» китобида борлиқ оламнинг яралиши хусусида ҳам дурдона фикрларини баён этганлар. «Хабарда андоғ келур, изи аzza ва жалла қамуғда ашну бир гавҳар яратти. Ул гавҳарга ҳайбат назари қилди эрса, ул гавҳар эруди. Сув бўлди эрса, анда кезин елни яратди. Сув уза тушти эрса, қум урди кўпукланди. Ул кўпукдан тутун оғди, ул тутундан кўкни яратди. Йавма таъти ас самау бидуханин мубинин (Осмон аниқ бир тутун келтирган кун...) Ул сув мавло таъолонинг ҳайбатиндин қайнаб куюкланди. Ул кўпикдин Каъба ўрнунча ер яратди. Анда кезин кўкни яратғали тегди. Сумма истава ила ас самаи фа савахунна сабъа самаватин (Сўнг кўкка томон юзланди ва уларни етти қават осмон

қилиб яратди). Кўкни яратмишда кезин ул яратилган ерни маш-
рикдин мағрибга теги ёзиб кенгу қуйруқлади. Ва ал арза баъда
залика даҳаҳа (Ва ерни ундан кейин тўшади). Бу ерлар ва кўклар
бир қат эрди қудрати бирла кўкни ердин айирди, текма бирлари
еттишар қат бўлди. Аллоҳу аллазий холақа сабъа самаватин ва
мин ал арзи мислахунна (Оллоҳ шундай зотки, у етти осмонни
яртибдир ва ерлардан ҳам шунчани). Бу етти ер сув уза яратилди
эrsa турланмади, ирғану бошлади. Ани турландурмоқ учун тоғ-
ларни анинг уза қозуқ қилиб яратди. Алам нажъал ал арза миҳа-
дан (Оё биз ерни тўшак қилиб бермадикми?). Яна изи азза ва жал-
ла қамуғ оламни олти кунда яратди. Ва лақад холақна ас самавати
ва ал арза ва ма байнаҳума фий ситтати айёмин (Батаҳқиқ, биз
осмонларни, ерни ва уларнинг ўрталаридаги бор нарсаларни олти
кунда яратдик). Хабарда андоғ келур: «Якшанба кун кўкларни ярат-
ти, душанба кун ойни, кунни, юлдузларни яратти, фалак ичинда
туритти, сешанба кун олам халқинда қуш-қуртларни, фаришталар-
ни яратти, чаҳоршанба кун сувларни яратти, елларни, булутлар-
ни чиқарди, йиғочларни, ўт-емларни яратти, ундурди. Рўзиларни
улаштурди. Панжшанба кун ужмоҳ, тамуғни, раҳмат ва азоб фа-
ришталарини яратти, хурларни яратти. Азина кун Одамни ярат-
ти. Шанба кун нарса яратмади. Бу қамуғ нарсаларни тақи минг
мунча нарсаларни кўз юмуб очғунча яратғу яроғи бор эрди...»

Бу қадимий лаҳжада ёзилган ривоятни шарҳлаш учун яна бир
китоб ёзиш керак бўлади. Қарийб бутун дунё ривоятларини вароқ-
вароқ қидирсангиз ҳам бундан зиёд янгилик тополмайсиз. Дунё
шу тартибда бино топган. Дунё шу зайлда яратилган. Гавҳар, сув,
тутун, қуйқа... Одамнинг она қорнида яралишига ўхшаш бу ходи-
са балки аслида ҳам шундайдир. Одам ҳам токи у император ё гадо
бўлгунга қадар бир томчи қуйқа сув эди. Бугунги дунё маликала-
ри, президентлар, уларнинг ўйнашлари, артистлар, рассомлар, кино
юлдузлари, шоирлар, файласуфлар ҳам бир томчи қуюқ сувдан
яралган...

Хўш, бу қадар сирли олам ва одамни яратган Зот ким? Нега
ҳамма динлар ва мавжуд муқаддас китоблар фақат унинг Зоти
ҳақида сўз очмоққа журъат қилолмайдилар. Дунёдаги жамийки
билимлар ва санъатлар шу Зот яратган ижодга ё тақлиддан ё у
ҳақдаги узук-юлуқ маълумотлардан иборат. Энг улуғ мусаввирлар
Унинг биргина содда ижодидан кўчирма олганлари учун абадият

саройларига ҳайдаб киритилдилар. Унинг яна бир ижоди, – аёл гўзаллиги хусусида Одам Атодан буён шоирлар шеър ёзадилар ва каники бу ёзув-чизувлар ниҳоя билса. Унинг жаннатидан келтирилган мева-чеваларнинг энг оддийсидан силқитиб олинган сув билан бутун дунё талтаяди ва чанқоғини босади. У белгилаб берган умрни бир сония, ярим нафасга узайтириш учун бутун башарият ҳаёт ибтидосидан бош қотиради. Қани энди бу умр дегани узая қолса. Қанчадан-қанча темирлар, қанчадан-қанча қурол-яроқлар фақат у ато қилган ҳаётни сўндириш учун сафарбар қилинган. Аммо, ҳаёт давом этмокда. Одам боласи бир муддат худолик даъвосини ҳам қилиб кўрди. Тош ҳайкаллар ясади. Тош эҳромлар тиклади. Жасадини мўмиёлади. Бугун ўзини музлатмокда. Одамни клонлаштириш ҳақида гапиришмокда. Ҳатто ўша яратилажак одам ҳам (агар бу гал ҳам кимдир башариятни лақиллатаётган бўлмаса) айтишларича одам хўжайрасидан тикланар экан. Яъни тухумдан жўжа яралаганидек. Бу аслида ҳеч қандай кашфиёт эмас, аксинча ўша Зот санъатидан одатдагидек кўпол нусха кўчиришдир. Одам эғнидаги бир либос минг марта турланди, аммо ҳеч ким одамнинг тирноғига ҳам ҳеч нарса кўша олмади. Бир бош ё оёқ кийимини такомиллаштириш учун инсоният жамоаларга бирлашиб бош қотиради. Аммо ҳеч ким оёқдаги бир тукка иккинчи бир тукни илова қила олмайди.

Хўш, ким У – Зот?

Ҳали ҳеч бир донишманд, ҳеч бир китоб бу саволга сўнгги нуқтани чеккан эмас. «Дарахтларнинг кўм-кўк япроқлари ҳар Оқилга Худони танитур дафтар», дейди Шарқнинг улуғ шоирларидан бири. Иккинчи бири эса «Худонинг борлиги исбот этиш номусидан покдир, Чироқ ё шам билан излаб топилмас нарсамас офтоб», дейди тасаллобахш оҳангда. Албатта, бу билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Сиз Умар Хайём тўрт қатор рубоийсини ёзганида шуларни назарда тутганми, деб сўрашингиз мумкин. Табиийки, шоир булар ҳақида мулоҳаза юритмаган ва юритиши мумкин ҳам эмасди. Аммо дунёда шундай муаммолар борки, унинг ечимини инсон тафаккури имкониятлари доирасига сигмайди. Инсон ҳатто бугун XXI асрда ҳам Умар Хайём бундан минг йил бурун тилга олган муаммоларга жавоб топа олган эмас. Худонинг зоти муаммоси ўз ечимини топдими? Оламнинг яралиши, одамнинг пайдо бўлиши, ҳаёт ва ўлим сирлари ечилдими? Худди шу муаммолар хусусида

шоир замонида ҳам аравани курук олиб қочган «одаҳо»лар бўлган, улар ҳозир ҳам бор. Шоир худди шундай зотлар ҳусуенда алам билан сўз юритмоқда, ҳолое. Бугун бутун башариётга одам яратаман деб иддао қилаётган кимсалар, ерни ўз ўқи атрофидан еилжитаман деган кишиларга фақат Хайём рубоийи билангина жавоб бериш мумкин. Фақат Хайёмгина уларни ҳушёр тортира олади. Фақат Хайём уларга жавоб бера олади.

Биз эса одамлар Хайёмгача, Хайём замонида ва Хайёмдан кейин ҳам қизикқан саволга жавоб қидиришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Зеро, биз ҳам буюк шоир айтган «хикмат аҳли»нинг ворисларимиз ва асосан, ақлимиз етмаган нарсаларга бош урамиз. Афлотуннинг «Қонунлар» китобида «Худолар мавжудлигининг неботи» номли бўлим бор. Унда қуйидагиларни ўқиймиз: «Клиний. Худолар мавжуд, деб тасдиқлайдиганларнинг ҳақ эканлигини небот қилиш анчагина осон бўлиб кўринмаяптими, сенга биродар? Афиналик. Қандай қилиб? Клиний. Буни аввало, Ер, Қуёш, юлдузлар, умуман, бутун Коинот, вақтнинг ушбу зебо тақсимоти, йиллар ва ойларга бўлиниш неботлайдилар. Кейин барча юнонлар ва варварлар худоларнинг мавжуд эканликларини тап оладилар». Афлотун ўз қахрамонлари тили билан биргина эмас, балки кўплаб худолар борлигини даъво қилмоқда. Унинг назарида, умуман, худолар мавжуд. Акс ҳолда Ер, Қуёш, юлдузлар, умуман, бутун Коинот, вақтнинг зебо тақсимотини ким тартибга солиб турибди. Аммо буюк римлик нотик Цицерон бу муаммода жуда узоқ кетди ва «Худолар табиати» деб номланган рисола яратди. Нотик билан Хайём яшаган давр ўртасида минг йил, биз билан Цицерон ўртасида икки минг йиллик масофа бор. «Кўпчилик худоларнинг борлигига шубҳа қилмайдилар, – деб ёзади афеонавий нотик, – ахир бу ҳақиқатга яқинроқ эмасми? Қолаверса табиатнинг ўзи ҳам бизни шунга далолат қилади. Бироқ Протагор шубҳа билан қарайди, Дногор Мелосский ва киренлик Феодор эса худоларнинг мавжудлигига умуман ишонмайдилар». Бундан қарийб тўққиз юз йил бурун Мавлоно Жалолиддин Румий Мухйиддин ибн Арабийнинг «Вахдатул вужуд» гоясини шеърий ифода этди ва Яратгувчини бандаларга жуда ёвуқ келтирди. Ҳа, ҳақиқатда, Тангри бўйин томирдан-да яқин бўлганидан кейин уни қаердандир қидириш ақлга сиймайди. Уни пардаларга ўраш, шеърий мажоз билан мавҳумлаштириш бандаларнинг кўзига мил тортиш билан баробар эмасми?

Сизларки талабгори худосиз, худосиз,
Сиздан нарида йӯқ у, билосиз, билосиз.
Неники йӯқотмабсиз, нечун ахтародурсиз,
Йӯқ бўлмаган ул нарсани истаб не қилосиз?
Номсиз-да, хуруфсиз-да, каломсиз-да, китобсиз,
Жибрили аминсиз ва расулсиз ва самосиз.
Ҳам Мусо ва ҳам мӯъжиза ҳам ул яди байзо,
Ҳам Ийса ва раҳбону самовоти асосиз.
Ҳам маҳдию ҳодий ва ниҳонсиз-да аёнсиз,
Таъвил ўзингиз, яна танзили худосиз.
Гоҳ мазҳари лоҳуту, гоҳ махбари носут,
Гоҳ сув юзида мавж, гоҳ айни сафосиз.
Уйда ўтиринг, изгиманг, асло самари йӯқ,
Зотан ўзингиз хонасизу хонахудосиз.
Зотсиз ва сифотсиз, гаҳи аршу гаҳи фаршсиз,
Поксиз, на фано, айни бақо, айни бақосиз.
Ул сиз – туғилмассизу ҳеч кимни-да туғмас,
Поксиз ва қаййум, на тағйири худосиз.
Ҳеч илғамагай кӯз агар борса ул қаю ён,
Ҳарчандки денгизни-да бир зумда сузосиз.
Ул юзни кӯрай десангиз маъшуқа юзида,
Ойнага сайқал бера, зангорни ювосиз.
Мавлоий Румий каби ким истаса Ҳакни,
Ойна каби ўзни ўзингизга тутосиз.
Сиз бирла вужуд топди менинг ушбу каломим.
Мавжуду вужудсиз яна пайдою атосиз.
Бу Арши Худованд то таҳти саросиз,
Сиз ҳаммадан афсунсизу ҳар недан аълосиз.
Ҳар рамзниким куйласа Ҳақ бирла бу Мавло,
Ким шубҳа қилур, сиз ўша тимсолга сазосиз.
Шамсулҳақи Табризки султони жаҳондир,
Эй, сизки талабгори сахосиз, сахосиз.
То доманингиз пурдур пурнур қилур ул шоҳ,
Эй, беҳабар, Ул шоҳ карам қилди, қаёнсиз?

2.

Онҳо, ки хулосаи жаҳон ийшонанд,
Бар авжи фалак Буроки ҳикмат ронанд.
Дар маърифати зоти ту монанди фалак
Саргаштаву сарнагуну саргардонанд.

Дунё поёнига етган инсонлар,
Ҳикмат Буроқида кезмиш осмонлар.
Зотинг маърифатин англашда кўкдек
Саргашта, сарнагун ва саргардонлар.

3.

Онон, ки куҳан буванду онон, ки наванд,
Ҳар як паи яқдигар якояк бишаванд.
В-ин мулки жаҳон ба кас намонад жовид,
Рафтанду равему боз оянду раванд.

Хоҳ эски, хоҳ янги – кимлар келурлар,
Барчасин бирма-бир охир элтурлар.
Бу дунё ҳеч кимга вафо қилмагай,
Кетдилар, кетурмиз, келиб кетурлар.

4.

Гар гул набувад насиби мо хор бас аст,
В-ар нур намерасад ба мо нор бас аст.
Гар хирқаву хонақову шайхе набувад,
Ноқусу калисову зуннор бас аст.

Гул насиб қилмаса, биза хор ҳам бас,
Нур агар тегмаса, биза нор ҳам бас.
Гар хирқа, хонақою шайх бўлмаса,
Ноқусу калисо ва зуннор ҳам бас.